

## VIII. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК

2019 йилнинг январь-сентябрида 72,4 мингтадан ортиқ кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва дехқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,9 мартаға кўп демакдир.

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо соҳасида (38,6 %), саноат тармоғида (21,8 %), қурилиш тармоғида (10,0 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (7,5 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар тармоғида (7,5 %), ташиш ва сақлашда (3,3 %) ташкил этилган.

### 2019 йил январь-сентябрь ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши




Савдо



Саноат



Қурилиш



Қишлоқ, ўрмон ва  
балиқ хўжалиги



Яшаш ва  
овқатланиш



Ташиш ва  
сақлаш

**2019 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорликнинг  
асосий кўрсаткичлари**


	Ўлчов бирлиги	2018 й.	2019 й.	(+, -)
<b>Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони</b>	<b>бирлик</b>	<b>257127</b>	<b>323014</b>	<b>65887</b>
<b>Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар</b>	<b>бирлик</b>	<b>38073</b>	<b>72411</b>	<b>34338</b>
<b>ЯИМ</b>	<b>%</b>	<b>60,9</b>	<b>57,2</b>	<b>-3,7</b>
Саноат	%	37,3	34,5	-2,8
<b>Кишлок, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги</b>	<b>%</b>	<b>98,4</b>	<b>98,5</b>	<b>0,1</b>
Инвестиция	%	43,4	42,1	-1,3
<b>Курилиш</b>	<b>%</b>	<b>72,3</b>	<b>75,6</b>	<b>3,3</b>
Савдо	%	87,1	84,3	-2,8
<b>Хизматлар</b>	<b>%</b>	<b>55,8</b>	<b>52,1</b>	<b>-3,7</b>
Юк ташиш	%	55,7	54,3	-1,4
<b>Юк айланмаси</b>	<b>%</b>	<b>81,0</b>	<b>77,9</b>	<b>-3,1</b>
Йўловчи ташиш	%	91,1	91,2	0,1
<b>Йўловчи айланмаси</b>	<b>%</b>	<b>95,3</b>	<b>95,1</b>	<b>-0,2</b>
Экспорт	%	28,1	25,4	-2,7
<b>Импорт</b>	<b>%</b>	<b>57,4</b>	<b>61,2</b>	<b>3,8</b>

**Худудлар бўйича янги ташкил топган кичик корхона  
ва микрофирмалар, бирлика**

	<i><b>2018 й. январь-сентябрь</b></i>	<i><b>2019 й. январь- сентябрь</b></i>
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>38073</b>	<b>72411</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	1658	2993
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	2597	4546
Бухоро	2282	5097
Жиззах	1804	2941
Қашқадарё	2239	4198
Навоий	1421	5092
Наманган	2307	4454
Самарқанд	3250	6166
Сурхондарё	2253	3593
Сирдарё	1044	2031
Тошкент	3879	7124
Фарғона	2930	5747
Хоразм	1510	3944
Тошкент ш.	8899	14485

2019 йил январь-сентябрь ойларида янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар худудлар бўйича энг кўп Тошкент шахрига - 14485 та, Тошкент вилоятига - 7124 та, Самарқанд вилоятига - 6166 та, Фарғона вилоятига - 5747 та, Бухоро вилоятига - 5097 та, Навоий вилоятига - 5092 та тўғри келди. Андижон, Наманган, Қашқадарё, Хоразм, Сурхондарё, Жиззах вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида бу кўрсаткич ўрта даражада бўлиб, 4546-2941 тани ташкил этган. Энг паст кўсаткични Сирдарё вилояти – 2031 тани ташкил этган.

**2019 йил январь-сентябрь ойларида янги ташкил топган кичик корхона  
ва микрофирмаларнинг ҳудудлар бўйича улуши**



2019 йил январь-сентябрь ойларида ҳудудлар бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмаларнинг жами миқдоридан энг қўп улуш Тошкент шаҳрига- 20,0 %, Тошкент вилояти - 9,8 %, Самарқанд вилояти - 8,5 %, Фарғона вилояти- 7,9 %, Бухоро вилояти – 7,0 %, Навоий вилояти – 7,0%, Андижон вилояти – 6,3 %, Наманган вилояти – 6,2 % Қашқадарё вилояти - 5,8 % ни ташкил этган.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил топган  
кичик корхона ва микрофирмалар, бирликда**

	<i><b>2018 й. январь- сентябрь</b></i>	<i><b>2019 й. январь- сентябрь</b></i>
<b>Жами</b>	<b>38073</b>	<b>72411</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	4511	5436
Саноат	8530	15812
Курилиш	4921	7277
Савдо	8798	27970
Ташиб ва сақлаш	1524	2409
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2919	5406
Ахборот ва алоқа	940	1257
Соғликни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	922	965
Бошқа турдаги хизматлар	5008	5879

*2019 йил январь-сентябрда иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар энг кўп саводода 27970 та, шунингдек :*

*саноатда -15812 та;*

*курилишида - 7277 та;*

*қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 5436 та;*


*яшаши ва овқатланиши бўйича хизматларда - 5406 та;*

**Янги ташкил этилган корхоналар бўйича энг юқори қўрсаткичга  
эга бўлган шаҳар ва туманлар, бирлиқда**

	<i>2018 й. январь- сентябрь</i>	<i>2019 й. январь- сентябрь</i>	<i>Фарқ (+,-)</i>
Учтепа тумани	716	1902	1186
Самарқанд шаҳри	957	1881	924
Чилонзор тумани	1083	1811	728
Юнусобод тумани	1261	1701	440
Олмазор тумани	901	1699	798
Бухоро шаҳри	734	1532	798
Мирзо Улуғбек тумани	1030	1525	495
Шайхонтохур тумани	907	1324	417
Наманган шаҳри	822	1309	487
Андижон шаҳри	782	1282	500

2019 йил январь- сентябрь ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар бўйича энг юқори ўсиш Учтепа туманида – 1902 та, Самарқанд шаҳрида - 1881 та, Чилонзор туманида - 1811 тани ташкил этди. Юнусобод туманида – 1701 та, Олмазор туманида - 1699 та, Бухоро шаҳрида бу қўрсаткич 1532 тани ташкил этди. Мирзо Улуғбек туманида бу қўрсаткич 1525 тани ташкил этди.

**Янги ташкил этилган корхоналар бўйича энг юқори кўрсаткичга  
эга бўлган шаҳар ва туманлар, бирлиқда**



2019 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирлиқда) худудлар бўйича энг кўп кўрсаткич Тошкент шаҳрида 27,9 бирлиқда, Сирдарё вилоятида 17,1 бирлиқда, Навоий вилоятларида 16,8 бирлиқда. Жиззах вилоятида 15,3 бирлиқда, Тошкент вилоятида 14,7 бирлиқда, Бухоро вилоятида 14,5 бирлиқда, Фарғона вилоятида 12,1 бирлиқда аниqlанди. Сурхондарё вилоятида 8,1 бирлиқда ушбу кўрсаткич паст бўлиб қолмоқда.

**2019 йилнинг январь-сентябрида худудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирлиқда).**

### 2019 йил январь - сентябрь

27,9 Тошкент ш.

11,7 Андижон

17,1 Сирдарё

11,5 Қашқадарё

16,8 Навоий

11,5 Қорақалпоғистон  
Респ.

15,3 Жиззах

10,4 Хоразм

14,7 Тошкент

9,9 Наманган

14,5 Бухоро


9,7 Самарқанд

12,1 Фарғона

8,1 Сурхондарё

\* Кичик корхона, микрофирмалар, фермер ва дехқон хўжаликлари

**Январь-сентябрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони  
(ҳар 1000 аҳолига, бирлиқда)**




Кўйида, 2019 йилнинг январь-сентябрида иқтисодиёт тармоқларида кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг саноатдаги улуши 34,5 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига – 98,5 %, қурилишда – 75,6 %, инвестицияда – 42,1 %, савдо – 84,3 %, экспортда – 25,4 %, импортда – 61,2 % ва хизматлар соҳасидаги – 52,1 % улуши кўрсатилган.

**2019 йилнинг январь-сентябрида иқтисодиёт тармоқларида  
кичик тадбиркорликнинг улуши тузилиши**




**Январь-сентябрь ойларида кичик тадбиркорликнинг  
ЯИМ даги улуши, %**



2019 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 57,2 % ни ташкил қилди (2018 йилнинг январь-сентябрида 60,9 %). ЯИМ таркибида кичик тадбиркорликнинг улусининг пасайиши йирик корхоналар улуши ошиши билан тушунтирилади.

Худудлар бўйича кичик тадбиркорликнинг ЯҲМ даги улуши энг кўп Жиззах (83,1 %), Сурхондарё (79,8 %), Наманган (79,3 %), Самарқанд (78,8 %), Бухоро (74,9 %) вилоятларида ташкил этди. Навоий вилоятида ушбу кўрсаткич (31,3 %), Коқақалпоғистон Республикасида 53,4 % га паст бўлиб қолмоқда.

**Кичик тадбиркорликнинг худудлар бўйича ЯҲМдаги улуши, %**  
**(январь-сентябрь ойларида)**



**2019 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорликнинг  
ЯҲМдаги улуши, %**



Қорақалпоғистон  
Республикаси



Самарқанд



Андижон



Сурхондарё



Бухоро



Сирдарё



Жиззах



Тошкент



Қашқадарё



Фарғона



Навоий



Хоразм



Наманган



Тошкент ш.

**2019 йил январь-сентябрида кичик тадбиркорликнинг худудлар бўйича иқтисодий фаолият турлари кесимида улуши, %**

	<i>Саноат</i>	<i>Курилиш</i>	<i>Хизматлар</i>	<i>Инвестиция</i>
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>34,5</b>	<b>75,6</b>	<b>52,1</b>	<b>42,1</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	23,9	89,1	53,6	31,1
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	23,6	96,5	69,0	58,9
Бухоро	33,4	87,2	69,6	53,3
Жizzах	66,4	97,8	63,2	59,8
Қашқадарё	22,1	83,8	69,4	12,0
Навоий	12,3	71,3	59,4	16,6
Наманган	76,6	95,5	65,9	48,8
Самарқанд	54,5	98,5	71,3	61,6
Сурхондарё	51,2	84,0	72,1	55,4
Сирдарё	48,5	96,0	57,9	53,2
Тошкент	27,0	79,6	70,8	34,2
Фарғона	42,7	85,9	71,9	57,3
Хоразм	35,6	93,6	65,3	61,7
Тошкент ш.	66,9	74,6	46,5	48,2

Худудлар бўйича саноат соҳасининг юқори улуши Наманган вилояти (76,6 %) Тошкент шаҳри (66,9 %) ва Жizzах вилоятига (66,4 %) тўғри келади.

Курилишда - Самарқанд (98,5 %), Жizzах (97,8 %), Андижон (96,5 %) ва Сирдарё (96,0 %) вилоятларига тўғри келади.


Хизматлар соҳасида - Сурхондарё (72,1 %), Фарғона (71,9 %), Самарқанд (71,3 %), Тошкент (70,8 %), Бухоро (69,6 %) ва Қашқадаръё (69,4 %) вилоятларига тўғри келади.

Инвестицияда - Хоразм (61,7 %), Самарқанд (61,6 %), Жizzах (59,8 %) вилоятлари ташкил этади.


## **2019 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан:**

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 80944,0 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришнинг 34,5 %) ёки 2018 йилнинг январь-сентябрига нисбатан ўсиш суръати 106,1 % ни ташкил қилди;
- 56463,7 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестиациялар ҳажмининг 42,1 %) ўзлаштирилди ва 2018 йилнинг январь-сентябрига нисбатан ўсиш суръати 142,0 % ни ташкил қилди;
- 38512,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 75,6 %) бажарилди ва 2018 йилнинг январь-сентябрига нисбатан ўсиш суръати 125,0 % ни ташкил қилди;
- 70571,1 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб (республика жами хизматлар ҳажмининг 52,1 %), 2018 йилнинг январь-сентябрига нисбатан ўсиш суръати 105,1 % ни ташкил қилди;
- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 84,3 % ёки 96948,0 млрд. сўмни (ўсиш 103,5 % ни ташкил қилди) ташкил қилди;
- 3476,3 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 25,4 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, бу эса 2018 йилга нисбатан 830,8 млн. АҚШ долларига ёки 31,4 % га кўп;
- автомобил транспорти юк айланмасининг 7,2 % га (республика жами автомобил транспорти юк айланмасининг 77,9 %) кўпайиши таъминланди;
- йўловчи айланмасининг эса 2,7 % га (умумий йўловчи айланмасининг 95,1 %) кўпайиши таъминланди;

**Кичик тадбиркорликнинг улуши**  
(умумий ҳажсига нисбатан % да)




**Кичик тадбиркорликнинг махсулот (товар, хизмат)лардаги  
жами экспорт ҳажмидағи улуси, %**




2019 йил январь- сентябрь ойларида худудлар бўйича кичик тадбиркорликдаги экспорт (товар, хизмат)ларнинг жами экспортдаги энг кўп улуси Хоразм вилояти - 91,5 %, Наманган вилояти – 80,5 %, Сирдарё вилоятида – 78,7 %, Сурхондарё вилоятида – 76,5 %, Самарқанд вилояти – 74,7 %, Жиззах вилояти – 68,7 %, Бухоро вилояти – 66,2 %, Андижон вилояти – 62,1 %, Фарғона вилояти – 53,9 %. Энг паст кўрсаткични Қорақалпоғистон Республикасида – 19,6 % ни ташкил этди.

**Кичик тадбиркорликнинг махсулот (товар, хизмат)лардаги  
жами импорт ҳажмидағи улуши, %**



2019 йил январь-сентябрь ойларида худудлар бўйича кичик тадбиркорликдаги импорт (товар, хизмат)ларнинг жами импортдаги энг кўп улуши Жizzах вилояти – 96,9 %, Хоразм вилояти – 91,2 %, Сурхондарё вилоятида – 83,6 %, Наманган вилояти – 83,3 %, Фарғона вилояти – 76,7 %, Сирдарё вилояти – 75,2 %, Қорақалпоғистон Республикаси – 72,0 %, Навоий вилояти – 66,7 %, Самарқанд вилояти – 66,1 % ва Тошкент шаҳри 61,2 %. Энг паст кўрсаткични Андижон вилояти – 14,8 % ни ташкил этди.


**2019 йил январь-сентябрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми**



Ҳудудлар бўйича энг кўп саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Тошкент шаҳри (26174,7 млрд. сўм), Тошкент (10533,4 млрд. сўм), Самарқанд (6368,3 млрд. сўм), Фарғона (6132,4 млрд. сўм) ва Андижон (5563,0 млрд. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Сурхондарё вилоятида (1476,3 млрд. сўм) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.




**2019 йил январь-сентябрь ойларида жами саноат махсулотидаги  
кичик тадбиркорликнинг худудлар бўйича улуши, %**



Худудлар кесимида кичик тадбиркорликнинг жами саноат махсулотидаги энг юқори улуши Наманган вилояти (76,6 %), Тошкент ш. (66,9 %), Жиззах вилояти (66,4 %), Самарқанд вилояти (54,5 %), Сурхондарё вилояти (51,2 %), Сирдарё вилояти (48,5 %), Фарғона вилояти (42,7 %), Хоразм вилояти (35,6 %), Бухоро вилояти (33,4 %), Тошкент вилояти (27,0 %), Қорақалпоғистон Республикаси (23,9 %), Андижон вилоятида (23,6 %) ташкил этди. Қашқадарё (22,1 %) ва Навоий вилоятида (12,3 %) кичик тадбиркорликнинг улуши паст бўлиб қолмоқда.




**2019 йил январь-сентябрида худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да чакана товар айланмаси ҳажми ва суръати**



Худудлар бўйича кўпроқ чакана товар айланмаси ҳажми Тошкент шахри (19866,5 млрд. сўм), Тошкент (11655,0 млрд. сўм), Самарқанд (8382,8 млрд. сўм), Фарғона (7950,2 млрд. сўм), Андижон (7498,4 млрд. сўм) ва Қашқадарё (6769,0 млрд. сўм), Сурхондарё вилояти (6290,3 млрд. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.


**2019 йил январь-сентярида худудлар бўйича кичик тадбиркорлик  
(бизнес)да бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ва суръати**



Худудлар бўйича энг кўп бажарилган қурилиш ишлари ҳажми Тошкент шаҳри (8420,5 млрд. сўм), Самарқанд (3161,0 млрд. сўм), Бухоро (2869,3 млрд. сўм), Қашқадарё (2792,5 млрд. сўм), Фарғона (2703,0 млрд. сўм), Тошкент (2650,0 млрд. сўм), Андижон (2645,8 млрд. сўм) ва Сурхондарё (2470,4 млрд. сўм) вилоятларида қайд этилди.




**2019 йил январь-сентябрида худудлар бўйича кичик тадбиркорлик  
(бизнес)да хизматлар соҳаси ҳажми ва суръати**



Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар соҳаси ҳажми Тошкент (21427,1 млрд. сўм), Самарқанд (6226,1 млрд. сўм), Фарғона (5750,3 млрд. сўм) ва Андижон (4830,1 млрд. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.


Иқтисодий фаолияти турлари бўйича 2019 йил III - чорак якунларига кўра, янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўtkazildi. Унда 2044 тадан ортиқ респондентлар иштирок этди. Улардан саноат корхоналари – 455 та (иштирок этган респондентларнинг умумий сонидан 22,3 %), қурилиш – 214 та (10,5 %), савдо – 762 та (37,3 %), хизматлар соҳаси – 457 та (22,3 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги корхоналари – 156 та (7,6 %) ни ташкил қилди.

**2019 йилнинг январь-сентябрида янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимланиши**



Худудлар кесимида жами иштирок этган янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарнинг улуши Тошкент шаҳрида – 21,5 % (440 та), Тошкент вилоятида – 10,3 % (210 та), Самарқанд вилоятида – 8,6 % (176 та), Фарғона вилоятида – 8,1 % (165 та), Бухоро вилояти – 6,7 % (136 та), Навои вилоятида – 6,2 % (128 та)ни ташкил қилди.


**2019 йилнинг январь-сентябрида янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарнинг худудлар бўйича тақсимланиши**



Кузатув маълумотлари таҳлили, қурилиш соҳасида респондентларнинг 23,8 % и иқтисодий вазиятни қулай ва 62,2 % и эса қониқарли деб ҳисоблашини, мос равишда савдо соҳасида - 32,9 % ва 58,4 %, хизматлар соҳасида - 26,3 % ва 58,2 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 33,3 % ва 55,1 %, саноатда - 25,1 % ва 61,1 % ни ташкил қилганини кўрсатди.


Иқтисодий вазиятга пессимистик рухда ёндашганлар саноатда – 13,8 %, қурилишда 14,0 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 11,5 %, хизматлар соҳасида – 15,5 %, савдода – 8,7 % ни ташкил қилди.

**Иқтисодий вазиятни баҳолаш  
2019 йил III – чорак учун, %**



Саноат корхоналарининг – 64,0 % и, савдо – 64,0 %, хизматлар – 58,0 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги – 67,3 % ҳамда қурилиш тармоғининг – 56,5 % и яқин уч ойда **иқтисодий вазият яхшиланишини** кутмоқдалар.

### **Иқтисодий вазиятдаги ўзгаришлар истиқболини яқин уч ойда баҳоланиши, %**



Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларга бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳолаётганлигини хулоса қилиш мумкин.

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик)** – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун хужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

**Юридик шахс** – ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мulkка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мulk билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳукуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс хисобланади.

Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

**Якка тартибдаги тадбиркорлик** – жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширишдир.

Якка тартибдаги тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркор томонидан мустақил мулк ҳукуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мulk негизида, шунингдек мол-мulkка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳукуқ асосида амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек ўз ҳукуклари ва манфаатларини ифода этиш ҳамда химоя қилиш мақсадида нотижорат ташкилотлар бўлган уюшмаларга (иттифокларга) ва бошка бирлашмаларга бирлашиши мумкин.

**Корхонани фаолитини таҳлил қилиш** –унинг асосида корхона фаолиятини хар томонлама ўрганиш. Натижада, маълумот тўплашнинг маълум усууларидан фойдаланиш орқали корхона фаолиятини баҳолаш ва заиф томонларини аниқлаш учун керакли маълумотларни олиш.

**Чакана савдо** – бу охирги фойдаланувчиларга товарлар ва хизматлар сотиш билан боғлиқ иқтисодий фаолият.

**Улгуржи савдо** – бу катта миқдордаги товарларни сотишни ўз ичига олган иқтисодий фаолият.

**Товарларни реализация қилиш** – маҳсулотни самарали сотишга қаратилган ишлаб чиқарувчи томонидан амалга ошириладиган тадбирлар тизими.

**Реклама** – бу харидорларнинг кенг доираси ўртасида маҳсулот тўғрисида маълумотни самарали тарқатиш усулига асосланган реклама воситасининг коммуникатив шакли.

**Таваккалчилик** – келажакда ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишда, қарор қабул қилишда мумкин бўлган йўқотишлар.

**Бозор** – бу савдо операцияларини амалга ошириш муносабати билан турли шахслар ўртасида шаклланадиган муносабатлар тизими.